



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
GIDROMETEOROLOGIYA XIZMATI AGENTLIGI HUZURIDAGI  
GIDROMETEOROLOGIYADA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
RIVOJLANTIRISH MARKAZI DAVLAT MUASSASASI

## BUYRUQ

№ I-52

Toshkent sh.

23 avgust 2023y.

### Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази давлат муассасасида давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда вазирликда давлат харидларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида, буюраман:

1. Қуйидагилар:

Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази давлат муассасаси (кейинги ўринларда - Метеоинфоком) давлат харидларини амалга ошириш бўйича харид комиссиясининг таркиби 1-илова мувофиқ;

Давлат харидларини амалга ошириш бўйича харид комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Энг яхши таклифларни танлаш орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

Тендер воситасида давлат харидларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ;

Давлат харидларини амалга ошириш бўйича одоб-ахлоқ қоидалари 5-иловага мувофиқ;

Метеоинфокомда давлат харидларини амалга ошириш ва мониторинг қилиш сиёсати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Марказ таркибий бўлинмалари юкоридаги йўриқномаларга асосан Марказ фаолияти учун зарур бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш юзасидан Марказ директорига номига билдиришнома киритиб борсин. Билдиришномада қуйидаги талаб ва шартлар кўрсатилиши лозим:

- товарлар (ишлар, хизматлар) номи, хусусияти (таснифи);
- товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг мақсади;
- товарлар (ишлар, хизматлар) миқдорлари ва тахминий қиймати.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Молия-хўжалик ва умумий ишлар назорати бошқармаси (Холов) зиммасига юклатилсин.

Директор



Ф. Болтабаев

